

Хабар

48

(949)-son

26-noyabr

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI


1992-yil martdan chiqq boshlagan

“Ўзбектелеком” АК:

Ресурсларни тежаш долзарб вазифа

Инсоният қундалик эҳтиёжларининг кун сайин ўсаётгани она замин биосферасининг ўзгартириб юбораётгани бугунги кунда бутун дунёдаги долзарб муаммолардан бирига айланган. Ишлаб чиқариш қувватининг ортиши табиий ресурсларнинг тобора камайиб боришига, атроф-муҳит ҳамда одамлар саломатлигига зарарли бўлган чиқиндиларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Шу боис, табиий ресурслардан оқилона ва комплекс тарзда фойдаланиш, турли захарли омилларнинг табиатга бўлган таъсирини камайитириш, бошқарувда самарали иқтисодий усулларни жорий этиш дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим масалалардандир. Чунки, ресурслардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш нафақат одамлар саломатлигини сақлашда, балки корхона ва ташкилотлар харажатини камайитиришда, ўз навбатида, уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

3-бет



ИЖРО ИНТИЗОМИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида иш юритиш ва ижро интизомига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбир вилоятлар марказларига видеоселектор орқали узатилди.

Семинарда иш юритиш ва ижро интизоми билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Мутахассислар иш юритишни тўғри ташкил қилиш учун зарур бўладиган меъёрий ҳужжатлар, корхонага келган ва жўнатилаётган ҳужжатларни қайси тартибда расмийлаштириш, унинг ижросини таъминлаш ва назоратини олиб бориш бўйича зарур тавсиялар беришди. Қоғозни тежаш ҳамда иш юритишда юқори сифат ва самарадорликка эришиш мақсадида жорий қилинаётган электрон ҳужжат алмашиш тизими тўғрисидаги масала юзасидан ҳам иштирокчиларга керакли маълумотлар тақдим этилди. Бу борада “UZINFOCOM” маркази мутахассислари кўргазмани тақдимот ўтказишди. Масаланинг ўта долзарблиги боис ҳам масъул ходимлар учун тез-тез ўқув семинарлари ўтказиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Мутахассислар тадбир иштирокчиларининг барча саволларига батафсил жавоб беришди.

Семинарда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари М.Сангилов иштирок этди.

Сўнги янгилик!

Орега компанияси тадқиқотларига кўра, 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган фойдаланувчиларнинг аксарияти интернетга киришда компьютерга қараганда мобил телефондан кўпроқ фойдаланишади. Айниқса, Нигерия, ЖАР ва Индонезияда бу кўрсаткич энг юқори.

2010 йил октябрга келиб, Орега Mini браузеридан фойдаланувчилар сони дунёда 76,3 миллионгадан ошган, бу бир йил олдинги кўрсаткичга солиштирилганда 92 фоиз юқоридир. Орега Mini фойдаланувчилари ўтган октябр ойида 41,6 миллиард веб-саҳифани очишган.

МДХ мамлакатларида Орега Mini фойдаланувчилари сонига кўра Россия, Украина, Қозоғистон ва Беларусдан сўнг Ўзбекистон бешинчи ўринда турибди. Бу давлатлар орасида операла веб-саҳифаларни очиш ва трафик бўйича Туркманистон (2124,5 фоиз; 1768 фоиз) ва Ўзбекистон (600,1 фоиз; 315,2 фоиз) етакчилик қилипти.

Ушбу сонда:

- | | |
|---|----|
| ■ Ривожланишнинг янги босқичи | 2 |
| ■ Сохта антивирусдан эҳтиёт бўлинг! | 4 |
| ■ Facebook назван угрозой для будущего Всемирной сети | 6 |
| ■ Оловлар юрти — ахборот асрида | 13 |
| ■ Нурхона | 14 |

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамд бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан ушбу мамлакатта расмий ташриф буюрди. Ташриф чоғида Ўзбекистон — Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда иқтисодий, социал, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 22 ноябр кuni Ўзбекистон ва Испания ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон — Испания савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан матбуот анжумани ташкил этилди. Суд қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масаласига бағишланган тадбирда департамент ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Бухорода “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Фонд Форум”, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Таълим ва фан ходимлари касаб-ушумаси марказий кенгаши, Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида “Талабалар фестивали” ўтказилди.

Урганч шаҳри ва вилоят туманлари марказларида республика тижорат банклари бошқаруви ҳамда уларнинг вилоят филиаллари раҳбарларининг тадбиркорлар билан учрашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси марказий банки ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбирларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган имконият ва имтиёзлар, кўрсатилаётган банк хизматлари ҳусусида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

“Ўзжеспомарказ”да “Uzagroexpro — 2010” олтинчи халқаро кўргазма ўтказилди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари ҳамда Ег-мой ва озиқ-овқат sanoati уюшмалари, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, “IEG Uzbekistan” кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди. Унда жаҳоннинг 13 давлатидан 50 дан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябр кuni бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасининг муҳокамаси ва унда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланди. Тад-

тувор йўналишлар белгилаб, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг механизмлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилгани мамлакатимизни ислох этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил саъй-ҳақаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Кўмита йиғилишида концепция доирасида илгари сурилган йўналишлардан бири — ахборот соҳа-



мларни яратишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятта эгалдир. Бу эса давлат ва жамоат бирлашмаларининг ахборот хизматлари, медиа тузилмалари ишини фаоллаштириш бўйича кенг қўламли тадбирларни кўзда тутди. Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юксидан мурожаатларини кўриб чиқ...

Ривожланишнинг янги босқичи

бирда депутатлар, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш, матбуот ҳамда ахборот агентликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, марказий босма нашрлар раҳбар-ҳодимлари, фуқаролик институтлари вакиллари қатнашди.

Йиғилишни бошқарган Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари кўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев мазкур концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танланган йўлда навбатдаги изчил қадам эканлигини ва тараққийимиз янги бир даврнинг асосий йўналишларини белгилаб беришини таъкидлаб ўтди. Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ ва ахборот соҳаларини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш каби ус-

сини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги қонунчилик ташаббусларининг мазмун-моҳияти атрофида муҳокама этилди. Мавзу юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Исмоил Саифназаров, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев, Миллий телерадиокомпания раиси Алишер Хўжаев, Мустақил босма ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раҳбари Абдулазиз Абдуллаев, шунингдек, депутатлар сўзга чиқиди. Таъкидланишича, концепцияда тақдим этилган ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш чоралари босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш нуқтаи назаридан келиб чиқади. Таклиф этилаётган комплекс чора-тадбирлар ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан янгиллаш, соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоат ва парламент назоратини таъминлаш борасидаги родини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механиз-

муддатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар таклиф этилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари концепцияда таклиф этилган телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари, телерадиодастурларни тайёрлаш ва эфирга узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг қўламли тартибга соладиган “Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ўзаро рақобатни янада кучайтириш, соҳада мобил ва рақамли технологияларни жорий этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини қайд этишди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳам ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳазалари ва амалий таклифларини билдиришди.

Кенгайтирилган йиғилиш якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан Кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Собит АҲАДОВ,
«Xabar» мухбири

Матбуот анжумани

Пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида “Ўзбекистонда электрон ҳужжат айланиш тизимининг жорий этилиши ва электрон рақамли имзолан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев сўзга чиқди.

Бугунги кунда кўпгина муассасалар ва ташкилотларда электрон ҳужжат алмашиш тизимини имкон қадар тезроқ жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят ҳокимликлари бошқармалари ва бўлимларида ўрнатилган компютерлар шаҳар ва туман ҳокимликларидаги компютерлар билан ички ва корпоратив тармоқлар воситасида уланган. Давлат солиқ ва статистика бошқармалари ҳам ахборот ва ҳужжат алмашишнинг электрон шаклларини қўллашмоқда.

Ўтказилган таҳлил натижалари республикамизда дав-

лат бошқарув органларининг 96,7 фоизи расмий веб-сайтларга эга эканлигини кўрсатди. Давлат органларининг деярли барча марказий аппаратларида локал компютер тармоқлари мавжуд.

Электрон ҳужжат айланиш тизими ҳужжатлар билан олиб бориладиган ишнинг самаралорлиги ва ишончилигини оширишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, ҳужжатларнинг бажарилиши устидан ўрнатилган назоратнинг сифати ва имкониятларини яхшилайдди. Электрон шаклдаги ҳужжатларнинг қўлланилиши қоғозни тежашга, ахборот алмашувида муҳим ўрин тутди.

Матбуот анжуманида “UNICON.UZ” ДУК ҳамда UZINFOCOM маркази мутахассислари кун тартибидagi масала юзасидан атрофида маълумотлар беришди. Шунингдек, улар оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига ҳам жавоб беришди.

Элбек ДОЛИМОВ



Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XII боб, 55-модда.

“Ўзбектелеком” АК:

Ресурсларни тежаш долзарб вазифа

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

“Ўзбектелеком” АКнинг “Бизнес ва персонални ривожлантириш маркази” (собиқ “Муҳандислик-техник маркази”)да 23-25 ноябр кунлари “Телекоммуникация объектларида ресурсларни тежаш” мавзусида ташкил этилган уч кунлик ўқув семинарида юқоридаги масалалар муҳокама қилинди. Семинарда компаниянинг барча филиалларида янги лавозим йўриқномаси асосида яқинда иш бошлаган ресурсларни тежаш бўйича масъул ходимлар, мамлакатимиздаги мобил алоқа компаниялари ҳамда “Матбуот тарқатувчи” АК вакиллари иштирок этди. Ресурсларни тежаш масалалари муҳокамасига “Ўзбекэнерго” ДАК, Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти, “Тошиссиқликкуват” бирлашмаси, “MIR SOLAR” МЧЖ ва бошқа масъул идоралар мутахассислари таклиф қилинди.

Ўқув семинарини марказ директори Эргаш Аллаев кириш сўзи билан очиб, йиғилганларни семинарнинг мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил таништирди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тасарруфидаги барча корхона, ташкилот ва компанияларда моддий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган ишлар, бу борада жойлардаги масъул ходимларнинг ташаббуслари, масъулиятлари тўғрисида гапирди. Шундан сўнг “MIR SOLAR” МЧЖнинг инновацион технологиялар бўйича маслаҳатчиси, техника фанлари номзоди Акрам Мирзабеков маъруза қилди.

Маърузада таъкилланишича, бугунги кунда дунё бўйича энергия олишда ишлатиладиган табиий ресурслар, жумладан, нефт, газ ва кўмир конлари ўз поёнига етиб бормоқда. Энергия истеъмоли эса ҳар йили 5-6 фоизга ортмоқда. Бунга сабаб Ер юзи аҳолисининг ўсиб бориши, узлуксиз ривожланиш натижасида ҳақ истеъмоли учун яратилаётган моддий бойликларнинг тури ва миқдори кўпая-



ётганидир. Статистик маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг асосий истеъмолига айланган нефт ва газ захираси яна 30-40 йилга, кўмир эса 150 йилга етади, холос. Шу боис энергиянинг муқобил турлари ҳисобланган қуёш, сув, денгиз тўлқинлари, шамол, геотермал ва биомасса манбаларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш барча давлатларда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам долзарблик касб этмоқда.

— Табиатда миллион йиллар мобайнида табиий равишда пайдо бўлган нефт, газ ва кўмир хом ашёларини инсоният ўтган юз йилдаёқ сарфлаб бўлди, — дейди А.Мирзабеков. — Ҳаёт эса давом этяпти, демек, энергиянинг муқобил турларини ишлаб чиқишни ривожлантириш вақти келди. Табиат бизга муқобил энергия манбаларини беҳисоб ҳада этган. Фақат улардан самарали фойдаланишни ривожлантириш керак. Мамлакатимиз серкўеҳ ўлка, йилнинг асосий қисми қуёшли. Шу сабаб бизда қуёш нурларини электр энергиясига айлантириб берадиган тизимни такомиллаштириш имконияти жуда катта. Бу масалада Президент қарори билан ташкил этилган Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган қуёш батареялари ишлаб чиқарувчи “MIR SOLAR” МЧЖ томонидан ўтган йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда “MIR SOLAR” корхонасида турли ҳажмдаги қуёш батареялари, электр энергия иш-

лаб чиқариш ва сув иситиш гелиоти-зимлари, фотоэлектрик станциялар, захира истеъмоли қурилмалари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ушбу маҳсулотлардан фермер хўжаликларида, Оролбўйи минтақасида, қўшма корхоналарда, мобил алоқа компанияларида самарали фойдаланиб келиняпти. Энди телекоммуникация объектларида ҳам бу тизим жорий этилса, фойдалан ҳоли бўлмасди. Фақат бунинг учун соҳа корхоналари билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида икки томонлама манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиши, меъёрий ҳужжатлар тайёрланиши лозим.

Шунингдек, семинарда Тошкент давлат техника университетининг энергетика факултети ассистенти Шуҳрат Эшмуродов қайта тикланувчи энергия манбалари (қуёш, сув, шамол, кичик ГЭСлар) имкониятлари борасида сўз юритди.

— Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларининг жуда катта захираси мавжуд дейди, — Ш.Эшмуродов. — Умумий ҳисоблаганда, бу манбалардан олинладиган энергия миқдори 167787 миллион тонна шартли ёқилги даражасига тенг. Қуёшдан йил давомида тушадиган нурларнинг ўзи 72 миллион шартли ёқилги берадиган энергия ҳосил қила олади. Кўриниб турибдики, республикамизда қуёш нурларидан самарали фойдаланган ҳолда энергия муаммосини ҳал этиш ва шу орқали ер ости ресурсларимизни тежаб қилиши-

миз, бундан ташқари, экологияни яхшилашимиз мумкин.

Қуёш нурларидан энергия олиш масаласида бугун деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қизгин иш олиб бориляпти. Агар қуёш батареяларининг фойдали иш коэффициенти 40 фоизга етказилса, энергия муаммосига барҳам бериш мумкин. Афсуски, бирор давлат ҳали бу кўрсаткичга (Европада 18-20 фоиз,

Японияда 28-30, Ўзбекистонда эса 16 фоиз) етгани йўқ.

Юқоридаги маълумотлар ўқув-семинар тингловчилари томонидан катта қизиқиш билан эшитилди. Жўяли саволлар, таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бугуннинг долзарб масаласи экан, бунга мамлакатимизда яшовчи барча бирдек масъулият билан ёндашиши, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари жонбозлик кўрсатишлари лозим. Бу борада “Ўзбектелеком” АК ташаббуси ибратта лойиқ. Энди компания тасарруфидаги барча филиалларда ресурсларни тежаш бўйича масъул ходимлар шарт жадвали бўйича фаолият юритишади. Улар ўз иш жойларида электр энергиясидан, сувдан, умуман олганда, корхона моддий-техник базасидан тежаб фойдаланиш масаласига жавобгардирлар. Бир сўз билан айтганда, корхоналарида исрофгарчиликка йўл қўйишмайди, ҳамкасблари орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Марказда доимий фаолият олиб борувчи ресурсларни тежаш бўйича мутахассис Хуршид Каримовнинг айтишича, иш жойларида ресурсларни тежашда жонбозлик қўрсатган масъул ходимларга ойлик маошдан ташқари пул мукофотлари ҳам берилди.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
“Хабар” мухбири

Кун тартибида: экология

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида “Электромагнит мослашув ва электромагнит экологиянинг долзарб масалалари” мавзусида республика илмий-техника семинари бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, республикамизда электромагнит мослашув ва электромагнит экология масалаларига катта эътибор қаратиляпти. Бу борадаги ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида қатор ташкилот ва идоралар фаолияти йўлга қўйилган. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат қўмитаси, Электромагнит мослашув марка-

зи, “UNICON.UZ” ДУК, “Ўзстандарт” агентлиги, Давлат санитария назорати маркази ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Семинар иши тўрт шўъбада давом эттирилди. Уларда радиоэлектрон воситалар ва янги авлод мобил алоқа тармоқларининг электромагнит мослашувчанлиги, республикамизда радиомониторинг тизими, электромагнит майдонларининг инсон са-

ломатлигига таъсири, электр энергиясини яқин масофага симсиз узатиш, атроф-муҳитнинг электромагнит ифлосланиши ва уни бартараф этиш йўллари, экологик тоза сув олиш, йўлдошли ва мобил алоқада электромагнит нурланишлар ва бошқа мавзулардаги маърузалар ўқилди.

Талбир давомида билдирилган таклиф-мулоҳазалар ва муҳокамалар асосида электромагнит мослашув ва электромагнит экология соҳаларидаги илмий-тадқиқот ишларини янада фаоллаштириш, электромагнит нурланиш даражасини меъёрлаштириш, мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўз мухбиримиз

Xalqaro hayot



НЕМИС АСКАРЛАРИГА ХУЖУМ

Афғонистоннинг Кундуз шаҳридан Ҷоҳар дараси томон йўлга чиққан Германия кўшинларига тегишли "Фанек" бронемашинаси толиблар томонидан портлатиб юборилди. Оқибатда машина ичида бўлган уч аскар тан жароҳати олган.

Воқеани шарҳлар экан, Германия расмийлари ҳар қандай шароитда ҳам немис аскарлари Афғонистондаги ўз вазифаларини бажаришда давом этишини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, ноябр ойининг бошида ҳам Ҷоҳар дарасида блок пост қураётган немис аскарлари толиблар ҳужумига учраган эди.

ВАБО КЕНГ ТАРҚАЛМОҚДА

Гантита тарқалган вабо эпидемияси билан боғлиқ вазият тобора жиддий тус олмақда.

Касалликнинг тарқалишига йўл қўймаслик учун олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай, шу кунгача хасталик 1250 нафар одамни ҳаётдан олиб кетган. Қарийб 20 минг киши эса уни юқтириб олган. Дастлаб касаллик мамлакат пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрида қайд этилган эди. Айни кунга келиб, мамлакатнинг йирик шаҳри саналган Кап-Аитенда ҳам хасталик билан боғлиқ нохуш ҳолатлар аниқланган. Бундан қаттиқ саросимага тушиб қолган маҳаллий аҳоли турли оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаряпти.

ВЕРТОЛЁТ ХАЛОКАТИ

France-Press ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Камерунда ҳарбий вертолёт ҳалокатга учраган.

Ҷожа мамлакат пойтахти Яунде шаҳри яқинида содир бўлган. Лимбе аэродромидан ҳавога кўтарилган бу вертолёт орадан бир оз вақт ўтиб ерга қулаган. Оқибатда унинг бортида бўлган тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган.

ШАХТЁРЛАР ҚУТҚАРИЛДИ

Хитойнинг Синчуан музофотидаги "Батан" кўмири қонида яқшанба кун юз берган портлаш туфайли 29 нафар шахтёр ер остида қолиб кетган эди.

Ниҳоят, улар қутқариб олинди. France-Press мухбири бу воқеа ҳақида хабар берар экан, ер остида қолиб кетган шахтёрлар уст-бош ва оёқ кийимсиз бўлгани учун енгил ҳаракат қилгани, шу сабабли уларни қутқариб олиш осон кечганини таъкидлади.

"Рейтер" ахборот агентлигининг хабар беришича, портлаш вақтида "Батан" шахтасида реконструкция ишлари олиб борилаётган эди. Шахта эгалари бу ердан ҳар йили 50-60 минг тонна кўмири қазиб олишни режалаштирган. Хитой кўмири қазитиш саноати корхоналари жаҳондаги иш жараёни энг хавфли корхоналар ҳисобланади. Ўтган йилнинг ўзида мамлакат кўмири шахталарида 2600 нафар шахтёр ҳаётдан кўз юмган.

КЕМАДАН ОҒУ ТОПИЛДИ

Украина хавфсизлик хизмати ходимлари Мозамбикдан мамлакатнинг Иличевск портига келган кемадан 759 килограмм наша топилди.

"Украинские новости" газетасининг ёзишича, баҳоси 15 миллион долларни ташкил этадиган бу гиёҳванд моддалар керамик плитка жойлаштирилиши керак бўлган қўтиларга солинган экан.

Хабарларда таъкидланишича, хавфсизлик хизмати ходимлари гиёҳванд моддалар контрабандасида айбланган харковлик 36 ва 21 ёшли икки кишини қамоққа олди. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шунингдек, Германияда юкнинг эгаси ҳам қўлган олинган. У 45 ёшли Канада фуқароси экан.

Интернет материаллари асосида
У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

SOFT

Google Chrome – ишончсиз дастурлар пешқадами

Google Chrome браузерни 12та энг заиф дастурий маҳсулот рўйхатининг биринчи поғонасидан жой олди. Рўйхат Американинг дастурий ечимлар ва маълумотларни аппаратли назорат қилиш бўйича етакчи таъминотчиларидан бири — Bit9 компанияси томонидан ҳар йили тузиб борилади.

Мазкур рўйхат Технологиялар ва стандартлаштириш миллий институтининг заифликлар базасидаги ахборотга асосланади. Жорий йилда бу базага дастурий таъминотдаги заифликларга доир 3268та хабар келиб тушган бўлиб, шуларнинг 76таси Google Chromeга тегишлидир.

Иккинчи ўринда Apple компаниясининг 60та дастурий нуқсон топилган Safari браузерни жойлашган бўлса, учинчи ўриндаги Microsoft Officeда 57 хил камчилик юзга чиққан.

Рўйхатга, шунингдек, Adobe Acrobat (54), Mozilla Firefox (51), Sun JDK (36), Adobe Shockwave Player (35), Microsoft IE (32), RealNetworks RealPlayer (14), Apple Webkit (9), Adobe Flash Player (8), Apple Quicktime (6) ва Opera (6) дастурлари киритилган.

Google chrome



JAMIYAT

Муз экран

Nokia компаниясининг Тампере шаҳрида жойлашган тадқиқотлар лабораториясида катталиги 3 квадрат метр, қалинлиги 25 сантиметрни ташкил этувчи сенсорли муз экран ўрнатилди.

Ўзига хос бу қурилма ўн иккита квадрат блокдан ташкил топган бўлиб, бир тонна атрофида тош босади, ташқи таъсирга сезувчан: агар қўл билан тегилса ўша жой рангли ёруғликни акс этади.

Экран орт томонидан инфрақизил нур билан ёритилади. Компютер бўлса рангли нурларга эга прожекторни бошқаради.

Экрандан бир неча киши бир пайтда фойдаланиши мумкинлиги учун унга "мултисенсорли" экран деб ном беришди.

BIZNES

Маиший электроника бозорида

2010 йил маиший электроника бозорида энг катта ўсиш суюқ-кристалл экранли телевизорлар ва Blu-ray-плеерлар соҳасида кузатилди. Ҳозирга келиб телевизорларга талаб камайишни бошлаган бўлса-да, iSuppli компаниясининг таҳлилига кўра, Blu-ray-плеерларга талаб юқорилиги икки йил сақланиб қолади.

Жорий йил рақамли маиший техника ишлаб чиқарувчиларининг умумий даромади 340,4 миллиард долларни ташкил этиши кутиляпти.

Бир ойда 600 мингта планшет

Samsung Electronics компанияси 21 ноябрга қадар, яъни бир ой мобайнида жаҳон бозорида 600 минг дона Galaxy Tab планшет-компьютерларини сотганини маълум қилди.

Айни пайтда Galaxy Tabнинг 7-двоймили шакли АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Италия ва бир қатор мамлакатларда расман йўлга қўйилган.

Маълумотларга кўра, бу қурилма савдосининг қарийб ярми Жанубий Кореяда амалга ошган. Унга Android 2.2 амалиёт тизими ўрнатилган бўлиб, гигагерцлик Snapdragon процессориди ишлайди, microSDHC хотира картасига эга, 3 мегапикселли камераси ва GPS-приемни бор. Алоқа каналлари 3G, EDGE, HSDPA, HSUPA, GPRS, шунингдек, Wi-Fi ва Bluetooth орқали таъминланади.

XAVFSIZLIK

Сохта антивирусдан эҳтиёт бўлинг!

PandaLabs антивирус компанияси 2010 йили сохта антивируслар кўпайиб кетгани ҳақида хабар тарқатди. Рақамларга тўхталганда, мазкур йилда шу пайтгача пайдо бўлган қалбаки антивирусларнинг 40 фоизи яратилган. Жорий йили дунёдаги компьютерларнинг 46,8 фоизи у ёки бу шаклдаги вирусли дастурий маҳсулотдан зарар кўрган, 5,4 фоиз компьютер сохта антивирус дастурларининг ҳужумига учраган.

Бу иловалар фойдаланувчининг компютерига юзлаб хатарларни аниқлайди. Бироқ бу вирусларни йўқотишга уринилса унга мазкур маҳсулотта лицензияни сотиб олиш тақлиф қилинади. Аксарият ҳолларда фойдаланувчилар бу туюққа тушишади.

WWW

Хитойда пасайиш

Хитой миллий домини (CN) маъмури — CNNIC нотижорий ташкилоти доменда рўйхатдан ўтувчилар сони кескин камайиб кетганини маълум қилди. Ўтган йилга солиштирилганда, ҳудуддаги доменлар 50 фоизга қисқариб, 12,5 миллионгадан 6 миллионгага тушиб қолган.

Илгари CN етакчи ўн домен пешқадамларидан саналиб, фақат COM ва DE (Германия) доменларидан кейинда турарди. Энди у 7-ўринда. Пешқадамлар билан оралаги бўшлиқни энди NET, UK (Буюк Британия), ORG ва INFO доменлари тўлдириб турибди.

Таҳлилчилар Хитой домендаги пасайишни рўйхатдан ўтиш қоидаларининг ҳукумат томонидан ўта қатъийлаштирилгани билан боғлашмоқда.

Ахмад ал-Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида Халқ университетлари немис ассоциацияси халқаро алоқалар институти — DVV Internationalнинг молиявий кўмаги билан ташкил этилган “Кутубхоначилар мактаби” лойиҳаси ўз ишини ниҳоясига етказди.



Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1 боб, 2-модда.

телекоммуникация тармоқлари шиддат билан ривожланмоқда. Шундай экан, янги кутубхона тузилмалари пассив истеъмолчи бўлиб қолмайди. Кутубхона жараёнлари автоматлаштирилмоқда, электрон ахборот-ресурслари шакллантирилмоқда. Энди янгиланган ахборот марказлари нафақат китобхонларга, балки истеъмолчиларнинг янги тоифаси — фермерлар, ишбилармон-

лойиҳасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилгани ҳам масаланинг қанчалар долзарблигини билдиради. Айни кунда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалари кўмитасида махсус ишчи гуруҳи қонун лойиҳаси устида ишламоқда.

Демак, вилоят ахборот-кутубхона маркази директори, ушбу лойиҳа раҳбари ва мувофиқлаштирувчиси Дилором Шуқурованинг ташаббуси катта аҳамият касб этади.

— Лойиҳа бўйича ходимларимиз Фарғона шаҳри ҳамда Тошлоқ туманидаги 20 нафардан, жами 40 нафар АРМ кутубхоначисини “Кутубхона иши асослари” ва “Кутубхона ишида ахборот технологиялари” курслари бўйича ўқитишди, — дейди Д.Шуқурова. — Мақсадимиз махсус кутубхоначилик маълумотига эга бўлмаган ходимларни

Ўзбекистон-Германия:

Лойиҳалар амалда

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу марказда давр талаблари асосида кутубхона ишини такомиллаштириш ва кутубхоначилар малакасини мунтазам ошириб бориш масаласи асло кун тартибидан тушмай келади. Соҳадаги ҳар қандай янгилик тезкорлик билан ўрганилиб, амалда жорий этилади. 2003-2004 йилда “Кутубхонадаги компютерлар” лойиҳаси амалга оширилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинган кундан ушбу ахборот-кутубхона марказида иш янада жонланди. Эслатиб ўтамиз: ўтган давр мобайнида Маданият ва спорт ишлари вазирлигидаги кутубхона тизимлари Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфига ўтказилди. Вилоят кутубхонаси базасида Агентликка қарашли ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди. Бу эса кутубхоналар тузилмаларида ишнинг янги услубларини, ахборот етказишнинг компютер, интернет орқали амалга ошириш турларини кўпайтиришни талаб этмоқда, турган гапки, буларнинг ҳаммаси янги имкониятлар эшигини очибгина қолмай, соҳа олдига янгидан-янги масъулиятли вазифаларни ҳам қўймоқда.

Республикада ахборот технологиялари,



лар, бизнесменлар ва ҳатто инвесторларга хизмат қилмоқда. Ҳалемай улар учун виртуал кутубхоналар ҳам вужудга келади. Республикада корпоратив каталоглаштириш маркази яратилади. Шу боис ҳам ЎзААА томонидан “Kutubxona.UZ” журнали таъсис этилди. Бундан ташқари, Тошкент маданият институти ҳамда ТАТУда “Ахборотлаштириш ва кутубхоначилик” йўналиши очилди. “Баркамол авлод йили Давлат дастури”да ахборот-кутубхона фаолиятини янада такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган янги АРМларни ташкил этишни кўзда тутган “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун

ўқитишнинг узлуksизлигини таъминлаш, уларнинг касбий даражасини кўтариш, замонавий ахборот технологияларини бошқариш, кутубхоналарда янги хизматларни йўлга қўйишга кўмаклашишди. Шунингдек, кутубхоначилар Германияда кутубхона ишини ташкил этиш, кутубхона ишига янги ёндашиш ишлари, “Бутун умр давомида таълим ол” лойиҳаси билан ҳам таништирилди. Ўйлаймизки, тингловчиларимиз курсларда олган билимларини ўз фаолиятларида қўллаб, АРМлар мавқеини оширишга муяссар бўладилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,

“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, мана бир неча кундирки, республикамиздаги кўплаб муассаса, корхона ва ташкилотлардаги меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда қизгин муҳокама қилинмоқда, фикрлар билдирилмоқда.

“Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида ҳам ана шу маърузани ўрганишга бағишланган талбир бўлиб ўтди. Талбирни очар экан, компания бош директори Сувон Нажибидинов Президентимиз маърузаси республикада мавзудолзарб муаммоларни ҳал этишда асосий йўл-йўриқлар кўрсатилгани билан ҳам аҳамиятли эканлиги, маърузадан келиб чиқиб, корхона ишчи-хизматчилари олдига турган вазифалар ҳақида гапирди.

— Маъруза маъни, моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни аниқ ва лўнда тушунириш мақсадида биз корхонамизга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси, Халқаро антик дунё илмий академиясининг академиги Қўбилик Каримбековни тақлиф этганмиз, — деди бош директор. — Саволларингиз, тушулмаган жойларингиз бўлса бемалол сўрашингиз мумкин.

— “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси одамларга маънавият



Қизгин муҳокама

улаштишга ҳисса қўшаётган жамоалардан бири, — деди нотиқ Қўбилик Каримбеков. — Шундай экан, республикада юз бераётган ўзгаришлардан яхши хабарлор бўлишингиз фойдадан холи бўлмайди.

Бевосита Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси кенг қамровлилиги, глобал нуқтанга назардан катта аҳамиятга эгадир. Маърузада республикада амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар олти йўналиш бўйича

чўқур ва апрофлича таҳлил қилинган.

Нотиқ ўз маърузасида давлат бошқарувининг демократик асослари, суд-хуқуқ, сайлов тизимларидаги ютуқ ва камчиликлар, оммавий ахборот воситалари, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш ва иқтисодий ислохотларга оид Юртбошимиз фикр ва тақлифлари ҳақида батафсил тушунчалар берди.

Ингилиш ишгирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

М.ИДРИСХУЖАЕВА

Тилсиз ёв

Ҳа, халқимиз бежизга оловни тилсиз ёвга ўхшатмайди. Инсон у билан муносабатда озгина эътиборсизликка йўл қўйдими, жабрини анча вақт тортишига тўғри келади. Шунинг учун ҳам республикамизда ённинг қарши кураш долзарб масалалардан бирига айланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 710-Фармойишига асосан республикамиз ҳудудда 15 ноябрдан 15 декабргача “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан “Матбуот тарқатувчи” АКда фаолият юритаётган матбуот дўкони сотувчилари ва ижарачи талбиркорлар учун шу мавзуда талбир ўтказилди. Талбирда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бўлимининг ёнғин хавфсизлиги бўлими инспекторлари — капитан М.Мўминов ва кичик сержант Д.Умаровлар иштирок этишди.

Улар талбир ишгирокчиларига ишлаб чиқариш ва саноат объектларида, шунингдек, компаниянинг матбуот дўконларида ёнғин хавфсизлигига риоя этишнинг асосий қоидалари, талаблари ва тартиблари ҳақида тушунчалар беришди, уларни доимо ҳушёр ва эътиборли бўлишга чақирди.

Ўз мухбиримиз

Начались полуфинальные соревнования чемпионата мира по программированию

В Ташкентском университете информационных технологий состоялось церемония открытия полуфинальных соревнований студенческого командного Чемпионата мира по программированию в регионе Северо-Восточной Европы.

Эти соревнования ежегодно проводятся в Узбекистане, так в этом году соревнования проходят уже в восьмой раз. Параллельно мероприятие проводят в городах: Санкт-Петербург, Барнаул, Ташкент и Тбилиси.

Стоит отметить, что от Ташкента участвует порядка 40 команд (120 участников) из Республики Узбекистан и Казахстан. Команды, показавшие хорошие результаты, пройдут в финал.

На открытии с приветственным словом к участникам чемпионата обратился заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А.Ходжаев. Он отметил, что подобные мероприятия способствуют раскрытию потенциала одаренных студентов, их самореализации и становлению как интеллектуально развитых личностей.

Чемпионат состоит из 3 этапов: четвертьфинал, полуфинал и финал. По правилам соревнования чемпионата на каждую команду, состоящую из 3 студентов высшего учебного заведения, выделяется 1 компьютер, в зависимости от сложности и количества задач на решение отводится до 5 часов времени. В этот период команда обязана решить от 6 до 12

задач, заданных на английском языке. Решением является составленная программа на одном из разрешенных языков программирования, то есть исходный текст файла объемом до 256 Кбайт.

Запрещается пользоваться книгами, электронными словарями, справочниками, различными инструкциями, программными листингами, личным компьютером, мобильным телефоном или другими телекоммуникационными устройствами.

Соревнования рассматриваются ведущими компьютерными фирмами как возможность поиска наиболее квалифицированных кадров и традиционно поддерживаются крупнейшими компьютерными корпорациями.

Организаторы мероприятия: Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, Узбекское агентство связи и информатизации, Ташкентский университет информационных технологий и другие.

По итогам полуфинальных соревнований будут проводиться финальные соревнования.

aci.uz

В Ташкенте состоялся семинар-тренинг, посвященный внедрению информационно-коммуникационных технологий в процессы образования и управления.

Образование и современные информационные технологии

В нашей стране особое внимание уделяется развитию компьютеризации, широкому внедрению информационно-коммуникационных технологий, стимулированию обучения молодежи в этой сфере. В соответствии с программами по информатизации общеобразовательных школ, внедрению в школы информационно-коммуникационных технологий проводится масштабная работа по обеспечению учебных заведений современным компьютерным оборудованием и техникой, применению в процессе обучения мультимедийных и электронных учебников, цифровых образовательных технологий, созданию информационно-ресурсных центров.

Большое значение приобретает подключение общеобразовательных школ, профессиональных колледжей, академических лицеев, высших учебных заведений, учреждений культуры к образовательно-информационной сети «ZiyoNET».

Сейчас к этой сети подключены почти восемь с половиной тысяч школ страны. Работа по подключению районных, городских и отдаленных сельских школ к сети «ZiyoNET» проводится компаниями-провайдерами «East Telecom», «Perfectum Mobile», «UzMobile».

На семинаре-тренинге заслушаны и обсуждены доклады по вопросам ресурсного обогащения образовательного портала «ZiyoNET», эффективного применения общественной образовательно-информационной сети, организации локальных сетей в образовательных учреждениях, предоставления сервисного обслуживания компьютерной техники в средних общеобразовательных школах.

УзА

Китай на 18 минут
«перехватывал» 15%
мирового интернет-трафика



Государственная телекоммуникационная компания Китая China Telecom каким-то образом сумела «перехватить» весь интернет-трафик США, который составляет 15% от мирового? Инцидент произошел 8 апреля этого года, однако окончательно информация была подтверждена только сейчас. Сбой продолжался 18 минут, пишет британская газета The Daily Telegraph.

По данным издания, трафик, среди прочего, предназначался американским корпоративным и правительственным сайтам. В этой истории до сих пор много непонятного, однако, вывод американцы уже сделали: система уязвима и требует реорганизации.

В докладе, подготовленном для Конгресса США американско-китайской комиссией по экономической безопасности, утверждается, что случившееся могло использоваться для слежки за определенными пользователями или для отвлечения внимания от какой-то другой атаки.

Однако данной комиссии, консультирующей конгресс США по вопросам безопасности в отношениях с КНР, так и не удалось определить, был ли это злой умысел и как перехваченные данные могли быть использованы, сообщает газета «Ведомости».

China Telecom, со своей стороны, заявила, что никакого перехвата трафика не было. «China Telecom никогда не делала этого», — сказал, комментируя сообщения СМИ о перехвате трафика, пресс-представитель компании Ван Юнчжэн, которого цитирует агентство «Синьхуа».

Первым планшетником с Android 3.0
может стать 7-дюймовый Motopad

В «твиттах» портала Mobile-Review.com появился пост о планшетном компьютере Motopad компании Motorola, который, как полагают, станет первым подобным устройством на базе операционной системы Android 3.0.

Ряд техноблогеров также написали, что Motopad получит 7-дюймовый сенсорный дисплей и выйдет в начале следующего года.

Ранее подобные слухи касались другой разработки Motorola — 10-дюймового планшетника Stingray, который также был одобрен Google. Однако американская компания, по всей видимости, решила выпустить еще одну, более компактную и дешевую модель, чтобы лучше сильнее конкурировать с интернет-планшетом Samsung Galaxy Tab, пишет ItChiu.com.

Если новой платформой для интернет-планшетов станет Android 3.0 (Honeycomb), то в мобильных устройствах, вероятно, будет использоваться «операционка» Android 2.3 (Gingerbread).

Скорее всего, первым смартфоном на базе Gingerbread, релиз которой состоится в ближайшие дни, станет Nexus S от Samsung, а планшетом — Motopad от Motorola, отмечает CNet News.



Сотовые операторы
предлагает подключить
к GSM другие
устройства

Крупнейшие мировые сотовые операторы выступили с инициативой расширения беспроводных GSM-коммуникаций за пределы обычных сотовых телефонов и смартфонов на целую гамму других устройств. Речь идет о навигаторах, камерах, портативных игровых приставках, музыкальных и видеоплеерах и других устройствах, которые смогут работать с сотовыми сетями с 2012 года.

Устройство со встроенной SIM-картой в случае кражи можно будет заблокировать, его также можно будет использовать как систему двухфакторной авторизации, когда дополнительная информация для пользователя передается по каналу сотовой сети, тогда как первичная через интернет, например по WiFi. Подобные решения найдут свое применение, например, в различного рода платежных системах.

Facebook назван угрозой
для будущего Всемирной
сети

Британский ученый и изобретатель Тимоти Бернерс-Ли, считающийся одним из основателей интернета, назвал крупные социальные сети угрозой для будущего Всемирной паутины. В своей статье, посвященной 20-летию Всемирной паутины ученый, среди прочего, напомнил о нескольких «недавно возникших угрозах» для интернета.

Главной из таких угроз, по мнению Бернерс-Ли, следует считать крупные социальные сервисы — они разобщают Сеть, поскольку держат данные «за стеной» и не используют универсальных адресов.

Тим Бернерс-Ли рекомендует сделать выбор в пользу более демократичных сервисов типа GnuSocial и Diaspora, и в целом высказывается в пользу открытых стандартов.

Ученый подчеркивает, что когда один конкретный сайт социальной сети (или один браузер, или один поисковик) становится настолько крупным, он превращается в монополию, а это, в свою очередь, ведет к ограничению инноваций.

Интернет эга муҳим сайтлари

АҚШда чиқадиган нифузли Time журнали 2010 йилнинг энг муҳим 50та ихтироси рўйхатини чоп этди. Мазкур рўйхат нашр ходимлари ва мустақил экспертлар ҳамкорлигида анъанавий равишда бериб борилади.

Apple iPad

2010 йилнинг энг асосий техника янгиликлари рўйхатининг юқори технологиялар бўлимида биринчи гада майший электроника тарихида, мобил телефонларни ҳисобга олганда, энг тез сотилаётган планшет-компьютер — Apple iPad келтирилган.

Типеда таъкилланишича, қурилмалар синфини “такрорий” кашф этиш ҳисобига рақобатчиларини тиз чўқдирган Apple чин маънода техника новатори ҳисобланади.

Аслида iPad Microsoftнинг унчалик ҳам оммалашмаган Tablet PC планшет-компьютерларининг давомчисидир.

Apple шахсий компьютерни клавиатурасиз чиқариш устида бош қотириб ўтирмасдан, фойдаланувчи учун қулай, бутунлай янгилик ва дастурий муҳит ярата олди.

Flipboard

Муҳим кашфиётлар орасидан планшет билан бирга, у учун чиқарилган Flipboard иловаси ҳам ўрин олди. Унинг ёрдамида Facebook ва Twitter каби ижтимоий тармоқларга жойлаштириладиган янгиликлардан тез бохабар бўлиш мумкин. Янгиликлар рангли журналлардаги каби ёрқин рангларда акс этади.

Kickstarter — инвесторларни қидириш майдони

Юқори технологиялар бўлимида кейинги ўринни Kickstarter сайти — стартаплар учун маблаг йиғиш майдончаси банд этган.

Мазкур лойиҳа муаллифларининг фикрича, яхши ёзилган гоё тез ва кенг тарқалади, интернетдан фойдаланувчи минглаб одамлар бу гоёни амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлашлари мумкин. Агарда бирон-бир лойиҳа муваффақиятли молиялаштирилса сайт эгалари унинг 5 фоизини олишади. Етарлича маблаг тўпланмаган тақдирда гоё муаллифидан ҳеч қандай тўлов олинмайди.

Looxcie камера-наушники

Bluetooth-гарнитураси билан уйғунлаштирилган ўта ихчам Looxcie видеокамераси шу номли компания томонидан ишлаб чиқарилди. Уни кийимга ҳам ўрнатиш мумкин. Беш соатгача видеотасвир олиш ва сақлаш имкониятига эга. Мабодо хоҳирасида жой этишмай қолса, автоматик равишда эски ёзувларни ўчириб янгисини ёзишда давом этади.

Looxcieнинг Android амалёт тизими учун чиқарилган мобил иловаси олинган тасвирларни лаҳзада интернетга, масалан, Facebook ёки YouTubeга жойлаштира олади.

Square —

мобил телефонлар учун тўлов терминали

Харид қилинган нарсалар учун тўловни мобил телефондаги кредит картаси орқали амалга оширишга мўлжалланган бу қурилма Twitter асосчиларидан бири — Жек Дорси томонидан ишлаб чиқилган.

Square кубсимон кўринишдаги, ўлчамлари 2,5x2,5x3,0 сантиметрли ташкил этувчи мўъжаз қурилмадир. Ичида банк карталаридаги магнит йўлакчаларини ўқийдиган мослама бўлиб, банк картасига жойлаштириладиган маълумотларни олиш имконини беради.

Транзакцияни амалга ошириш учун фойдаланувчининг бармоқ излари лозим бўлади, бу икки хил шаклда: смартфоннинг мултисенсор экрани ёки Squareнинг ўзида ўрнатилган сканер орқали йўлга қўйилган.

Sony Alpha A55 — шаффоф “кўзгү”ли камера

Энг аҳамиятли технологик ихтиролар рўйхатининг сўнгги қаторидан Translucent Mirror Technology (яримшаффоф кўзгүлар) технологияси қўлланган Sony Alpha A55 фотокамераси ўрин олган.

Бундай тузилма ёруғлиқнинг доимий ва ҳеч қандай тўсиқларсиз матрица ва автофокус сенсорига тупишини таъминлайди. Бу суюқ-кристалл экранда кўриш жараёни тўлақонлигини, фокуснинг доимий ва аниқлигини таъминлаб, серияли тасвир олиш тезлигини оширади.

Японларнинг янгилиги одатдаги видеоқидиргичлар ёрдамида ҳам видео олиш имконини беради. Қолаверса, унинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас.

Тиббиёт

Йилнинг муҳим кашфиётлари жумласида тиббиёт соҳасини пашшаларга қирон келтирувчи лазер намоён бўлган.

Ҳарбий соҳа

Қўлбола бомбаларни йўқ қилувчи қурилма, янги авлод экзоскелети, хавфсиз портловчи восита, деворларни плёнкада бронировка қилиш ва гипертюштли ракеталар йил кашфиётларига айланади.

Транспорт

Googleнинг “ҳайдовчисиз бошқариладиган автомобили”, реактив рюкзак, хитойликларнинг “оёқли автобуси”. Узига ҳос бу улкан автобус 1400тагача йўловчи олади ва йўлларнинг четигади махсус релсларда ҳаракатланади. Бошқа автомобиллар эса автобуснинг ердан кўтарилган марказий қисми остидан бемалол ўтиб кетишлари мумкин.

XXI ASR KOMPANIYALARI

Adobe Systems:

Электрон
дизайнлар
устахонаси



Adobe Systems компаниясига 1982 йили дастурчилар Жон Уорнок ва Чарлз Гешке асос солишган. Компания номи Жон Уорноkning уйи ёнидан оқиб ўтувчи Adobe Creek дарёси номидан олинган.




Аввалига етарлича маблагга эга бўлмаганлари учун улар имконият даражасида меҳнат ресурсларидан фойдаланишга мажбур бўлишди. Гешкенинг 80 ёшли отаси офис дизайни билан шуғулланган бўлса, Уорноkning рафиқаси Марва Уорнок компания логотипини ишлаб чиқди. Кўплар компания бу йўл билан узоққа бора олмайди, деган фикрда эди. Бироқ аввалига Mac ва IBM учун чиқарилган PostScript (ноширлик фаолиятида саҳифаларни тасвирлаш тили) яхшигина даромад келтирган бўлса, 1989 йилга келиб, Adobe Illustrator ва Adobe Photoshop дастурларининг чиқарилиши нафақат компанияни инқироздан сақлаб қолди, балки ахборот технологиялари компаниялари орасида янги номни кашф этди.

Компания чиқарган дастурий маҳсулотларнинг афзаллиги уларнинг исталган қурилмаларга мослашувчанлиги эди. Бу ўринда турли компьютерларда ҳужжатни конвертациясиз ўқиш, ҳатто таҳрир қилиш имкониятини берувчи Portable Document Format (PDF)ни мисол келтириш мумкин. PDFдан сўнг Adobe Acrobat Reader иловаси яратилди.

1992 йилдан компания янги «муваффақият формуласи» асосида ишга киришди: унга кўра, компьютер тасвир, матн, овоз ва видео билан ишлаши керак эди. Бу янги йўналишдаги ишларни жонлаштириш учун Adobe Systems янги гоёлар, рақобатчиларининг технологияларини сотиб ола бошлади. Матнни ўқийдиган OCR Systems шундай қўлга киритилди. 1993 йилдан эса Adobe Premiere 3.0 дастури орқали компьютер фойдаланувчилари видео кўриш имкониятига эга бўлишди.

Компания 1995 йилдан веб-дизайн учун дастурлар билан шуғуллана бошлади. 1997 йил компания учун парвоз ва кулаш йили бўлди десак асло мунолага бўлмайди. Янгиликлар PageMaker, Illustrator ва FrameMaker дастурлари компания даромадида даромад қўшиди, бироқ HP компаниясининг PostScript лицензиясидан воз кечиши компания учун оғир зарба бўлди. 1998 йили Windows 98 чиқиши билан вазият янада танглашди: Windowsда медиаплеер, браузер ва Word матн процессори умумлашганди. Фақат 1999 йилга келиб, компания қаддини тиклашга муваффақ бўлди, янги InDesign дастури QuarkExpressга муносиб жавоб бўлди, шундан сўнг компания акциялари қиймати уч бараварга ошди.

Бугунги кунда Adobe Systems компанияси бутун дунёга машҳур турли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади. Компания штаб-квартираси Сан-Хосе (Калифорния)да жойлашган. Унинг энг йирик филиаллари Вашингтон штати (Сиэтл), Хиндистон (Ноида) ва Канада (Оттава), Германия (Гамбург) ва Миннесота штати (Миннеаполис)да жойлашган бўлиб, жами ходимлари сони етти ярим минг нафардан ошади.



Ишда муваффақиятга эришадиган корхона, ташкилот ёки муассаса борки, бу ердаги ютуқлар замирида инсон омилга эътибор ётиши тайин. Бу борада ходимлар билан раҳбарият ўртасида кўпrik вазифасини ўтаётган касаба уюшмаси кўмиталарининг ўрни катта бўлмоқда. Зиммасидаги вазифа масъулиятини ҳис қилган ҳолда ходимлар манфаати учун елиб-югураётган, улар ташвиши, муаммоларини ҳал қилиш мақсадида фидойлик билан меҳнат қилаётган касаба уюшмаси кўмиталари алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бугун ана шулардан бири — "Ўзбектелеком" АК "Шахарлараро алоқа корхонаси" филиалида олиб бориладиган ишлар ҳақида хикоя қилмоқчимиз.



Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, XII боб, 59-модда.

филиали фахрийлари ҳам маъмурият ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси гам-ҳўрлигини ҳис қилган ҳолда умргуза-ронлик қилишмоқда.

— Бугунги кунда фахрий алоқа-

ги ана шу рағбат ҳамда яратилган ша-роит натижасидир.

Корхонада, шунингдек, маданий тадбирлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Ходимлар ҳар йили ёз мавсумида "Оқтош" дам олиш масканида дам оладилар. Улар турли концерт ва театр томошалари учун чипта билан таъминланадилар. Таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилиб бориляпти. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан филиал алоқачиларининг учрашуви, айниқ-са, мароқли ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Ғамхўрликни ҳис этиб

Аъзолар билан баҳамжihat

"Шахарлараро алоқа корхонаси" филиалида 1363 нафар касаба уюш-маси аъзолари бўлса, улардан 250 нафарга яқини бош корхонада фао-лият юритишади. Филиал Электрон ҳужжат алмашинувини жорий қилиш хизмати бошлиғи Қаҳрамон Саримсо-қов шу йил апрел ойида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида бош кор-хона касаба уюшмаси кўмитаси раис-лигига қайта сайланди. Унинг бу ва-зифани бажарётганига ҳам тўрт йил-дан ошяпти.

— Касаба уюшмаси кўмитаси ра-ислигига қайта сайланганимдан бери 23 марта йиғилиш ўтказдик ва уларда асосан ходимлар ижтимоий ҳимояси-га оид масалалар муҳокама қилинди, — дейди Қ.Саримсоқов. — Шунингдек, агар раҳбарият қўллаб-қувватлаб турмаса, касаба уюшмаси етарли даражада фа-олият юрита олмаслиги аниқ. Корхо-намиз раҳбарияти инсон омилга эътиборни кучайтириш борасида бизга яқиндан ёрдам бераётгани боис бир-оррта ҳам йиғилишимиз қарори ба-жарилмасдан қолмаяпти. Шунингдек, биз жойлардаги касаба уюшмалари кўмиталаридан ҳам ўз кўмагимизни аямаяпмиз.

Касаба уюшмаси кўмитасининг беш нафар аъзоси бор. Улардан тех-ник бўлим муҳандиси Мардон Берди-қилчиев, қурилиш бўлими етакчи муҳандиси Раъно Исмоилова, станция етакчи муҳандиси Дамир Бекчантаев-лар кўмита ишларига яқиндан ёрдам беришяпти. Уларга маънавий ва спорт ишлари, ёшлар билан ишлаш каби муҳим масалалар юклатилган ва бу ишларга жиддий эътибор туфайли корхонада маданий-маърифий, спорт ишлари яхши йўлга қўйилляпти.

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Корхонада меҳнат қилаётганлар-нинг кўпчилигини ёшлар ташкил эта-ди. Бу ерда устоз-шогирдик анъана-лари яхши йўлга қўйилганлиги туфай-ли улар ишни яхши ўзлаштириб, зим-маларидаги вазифани сидқидилдан адо этмоқдалар.

Баркамол авлод йили муносабати билан ушбу йилда ёшларга эътибор ҳар доимгидан ҳам кучайтирилди. Қабул қилинган ягона жамоа шарт-номасига асосан иккита ёш оилага 2 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилганлиги, 17 нафар ёш ходим моддий рағбатлантирилгани, ариза билан мурожаат қилган ёшларга фо-изсиз қарз бериладиганлиги, олий ўқув юртида ўқиётган ёш мутахассислар-нинг контракт-тўлов пулларини тўлашда корхона яқиндан ёрдам бе-раётганлиги ана шу эътиборнинг на-тижасидир.

— Ёшларимиз — бизнинг эртанги истиқболимиз, — дейди кўмита аъзо-си Мардон Бердиқилчиев. — Уларга ғамхўрлик ҳуқумат эътибори даража-сига кўтариллиши сабаби ҳам шунда. Ёшларимиз бизнинг меҳримиз ва ғам-хўрлигимизни ҳис қилиб яшаб, ўқиб, меҳнат қилсалар, қутилган натижалар-га эриша оламиз. Яъни, келажакимиз доно, ақлли, билимли инсонлар қўлида бўлади, юртимиз бугунгидан-да кўпроқ шиддат билан ривож топиб, дунёда етакчи ўринни эгаллайди.

Кексалар дуода

Кексаларимиз ўзларининг бой ҳаётини ва иш тажрибалари билан биз-нинг маънавий бойлигимиз ҳисобла-нишади. Шунинг учун ҳам корхона-лар раҳбарлари ўзларидега ишлаб, пен-сияга чиққан фахрийларни эътибор-дан четда қолдирмайдилар. "ШАК"

чиларимиз сони 83 нафарга етди, — дейди Қаҳрамон Саримсоқов. — Уларга байрамларда моддий ёрдам бериляпти. Ундан ташқари, ариза билан мурожаат қилган фахрийлар-нинг илтимослари ҳам безътибор қолмаяпти. Яқинда корхонамизда 35 йил самарали фаолият кўрсатган фахрий алоқачимизни "Турон" си-ҳатгоҳига бепул йўланма билан таъминладик. Фахрийларимиздан Элвир Давидова, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Михаил Решет-ников, Гулфира Солиева, Элза Пақлар корхонамизга тез-тез таш-риф буюриб туришади, ютуқлари-миздан қувониб, йўл қўяётган кам-чиликларимиз бўлса, ўз маслаҳат-ларини беришади, бизга яхши ти-лак билдиришади.

Спорт — саломатлик гарови

Филиалда спорт ишларини ри-вовлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Корхона ишчи-хиз-матчилари ўртасида 2006 йилдан бери спортнинг футбол, шахмат ва шашка, стол тенниси турлари бўйи-ча мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Керакли спорт анжомлари билан жиҳозланган ма-шгулотлар зали ходимлар ихтиёри-да. Фолиблар маъмурият ҳамда кас-ба уюшмаси кўмитаси томонидан рағбатлантирилиб борилмоқда. Рағ-бат эса уларни муваффақият сари ундаяпти.

Ўтган йиллар давомида филиал футбол жамоасининг соҳа кубогини олганлиги, волейбол бўйича аёллар жамоасининг республика биринчили-гини қўлга киритгани, корхона ходи-ми Шерзод Усмоновнинг шашка бўйича 2008 йилги мусобақалар респу-бликада биринчи ўринни эгаллаганли-

Меҳнат муҳофазаси

Корхонада ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишга биринчи галдаги вазифа сифатида қаралмоқда. Меҳ-нат муҳофазаси, хавфсизлик техни-каси, ёнғинга қарши кураш каби масалалар касаба уюшмаси кўмита-си йиғилишида тез-тез муҳокама қилиниши сабаби ҳам шунда. Бу бо-рада филиал Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси бўлими бошлиғи, фахрий алоқачи Серикбой Аҳметовнинг ёрдами кат-та бўляпти.

— Зарarli ишда ишлайдиган ход-имларимиз махсус кийим-бош, шах-сий гигиена воситалари билан таъмин-ланган, — дейди С.Аҳметов. — Уларга мунтазам равишда мева шарбатлари бериляпти. Ходимларимиз ҳар йили корхона ҳисобидан тиббий кўриқдан ўтмоқдалар. Хавфсизлик техникаси бўйича махсус курслар ташкил этиляпти. Яқинда иш ўринлари аттес-тациядан ўтказилди ва унинг натижа-лари бўйича ҳам маълум ишлар амал-га оширилмоқда.

Филиалнинг водий вилоятларида битта ва қолган вилоятларда битта-дан шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси бор. Ана шу боғла-маларнинг ҳар бирида меҳнат муҳо-фазаси бўйича мутахассис иш олиб борапти. Улар меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси бўйи-ча қонун ҳужжатлари ва йўриқнома-лари билан тўлиқ таъминланган. Ёнғин хавфсизлиги бўйича керакли воситалар ҳам мавжуд. Зеро, ҳар бир ходим саломатлигини муҳофазалаш муҳим вазифадир.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
"Xabar" мухбири

Эълон!

"РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ КЎИДАГИ ДОИМИЙ ИШ ЖОЙИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

1. Ахборот-техник бўлими бошлиғи — олий маоши 272 минг сўм. Олий маълумотли, ёши 30-35лар атрофида, левоихона ва иш юритиш, ижро интизоми бўйича раҳбарлик меҳнат фаолияти камиди 3 йил бўлиши шарт, ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиши, компютерда ишлаш билимларининг шартли-ги ва Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтганлиги талаб этиляди.
2. Ахборот-техник бўлими 1-тонфали муҳандиси — олий маоши 222 минг сўм. Ўрта-махсус ёки олий маълумотли, ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиши, компютерда ишлаш билимлари шартлиги ва Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтганлиги талаб этиляди.

Истиқболли ўзини даражаси мавжуд.

Шахсий маълумотларининг кўйидаги электрон манзилга юборишингизни сўраймиз:
QABULHONA@CRRT.UZ
Веб-сайтими: WWW.CRRT.UZ
"PRFM" ДУК манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 109 "А" уй.
Мурожаат учун телефон: 235-94-43.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Бешариқ почта алоқаси тармоғи ходими Раҳимжон ҲОЖИМУРО-ТОВНИ муборак 60 ёши, Ровон почта алоқаси тармоғи ходими Масуджон ЖУРАЕВНИ 50 ёши билан самимий табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камалини кўришликни тилайди.

"Фарғона Телеком" филиали жамоаси Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Людмила БЕЛАШОВАНИ 54 ёши билан чип дилдан қутлаб, унга сизмат-саломатлик, узоқ умр, бахту саодат тилайди.

"Бухоро Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал махсус ишлар етакчи муҳандиси Гулфия ДЕНИСЛАМОВАНИ 55 ёши билан самимий муборакбод этиб, сизмат-саломатлик, узоқ умр, ишларига муваффақиятлар тилайди.

Озарбайжон ҳозирги кунда нафақат жанубий Кавказ минтақасида, балки жаҳон миқёсида тобора тараққий этиб бораётган мамлакатлар сирасига киради. Аввало, ушбу мамлакат ҳақида икки оғиз маълумот. Озарбайжон Республикасининг майдони 86,6 минг квадрат-метр, аҳолиси – 9 млн. киши. Пойтахти – Боху шаҳри. Пул бирлиги – Озарбайжон манати.



Оловлар юрти ахборот асрида

Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлари сафида Озарбайжоннинг ўрни ва ахамияти бекиёс. Икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик олис ўтмишга эга бўлса-да, мустақиллик йилларида ана шу азалий дўстлик янгича поғонага кўтарилди.

Давлат раҳбарларининг ҳар икки мамлакатга таширфлари, имзоланган тарихий ҳужжатлар азалий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Айни пайтда Бокуда Ўзбекистон, Тошкентда эса Озарбайжон Республикаларининг элчхоналари фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда Тошкентда буюк озар шоири Низомий Ганжавийнинг хайкали ўрнатилган бўлса, 2009 йилда Бокуда сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоийнинг ёдгорлиги қад ростлади.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик турли соҳаларда, хусусан, алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ҳам ривожланиб бораётир. Шу йилнинг 5-7 ноябр кунлари Тошкентда ўтган Озарбайжон Миллий кўرғазмасида ҳам бу ҳамкорлик самаралари яна бир бор ўз аксини топди. Унда турли йўналишларда фаолият кўрсатаётган 160 дан ортик корхона 1700 турдаги маҳсулот билан иштирок этди.

Хусусан, ушбу кўрғазмада Озарбайжоннинг телекоммуникация, алоқа, ахборот технологиялари йўналишида фаолият кўрсатаётган “Ултра”, “Азел”, “Кюр” сингари фирма ва компаниялари ўз хизмат ва маҳсулотлари билан иштирок этгани ахамиятлидир. Ушбу маҳсулотларга ўзбекистонлик тадбиркорлар, тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари кизиқиш билдириб, ўзаро манфаатли битимлар имзоладилар. Қуйида ушбу мамлакат алоқа ва ахборотлаштириш тизими ҳақида хикоя қиламиз.

Иқтисодий ютуқлар – фаровонлик омили

Озарбайжон сўнгги йилларда ишлаб чиқариш ва халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида катта ютуқларни қўлга киритиб келаётир.

Мамлакат айни пайтда қўплаб мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини изчил ривожлантириб бормоқда. Хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осие Тараққиёт банки, Жаҳон Банки, Халқаро валюта жамғармаси, Ислоом Тараққиёт банки, Қораденгиз Савдо ва тараққиёт банки сингари йирик халқаро молиявий ташкилотлар билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрни тутди.

Таъкидлаш ўринлики, Озарбайжон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидан у қадар катта зарар кўрмай чиқайтган мамлакатлар сирасига киради.

Яқинда мамлакат ҳукуматининг тўққиз ойлик яқунларига бағишланган йилгилишида Президент Илҳом Алиевнинг нутқида тилга олинган маълумотларга қўра, ўтган вақт мобайнида ялпи миллий маҳсулот ҳажми 4,1 фоиз, унинг аҳоли жон бошига тушадиган ҳиссаси 10 фоиз, саноат маҳсулотлари ҳажми 3,1 фоиз, ўртача ойлик иш ҳақи 6,6 фоиз ортган. Миллий валюта – манатнинг инфляция миқдори 5,2 фоизни ташкил этиши ҳам иқтисодий инқироз шароитида қониқарли кўрсаткич саналади.

Ўтмишга назар...

Ўтмишда “Оловлар юрти” дея ном олган Озарбайжон олис ўтмишга, бой анъана ва маънавий қадриятларга эга. Жумладан, ушбу мамлакатнинг алоқа




тизими узоқ асрлик ривожланиш босқичини бошидан кечирган.

Озарбайжонда почта алоқаси билан боғлиқ энг қадимий ҳужжатлар 1501 йилга тўғри келади. Худди шу йилда Сафавийлар сулоласининг атоқли вакили Шоҳ Исмоил Хатоий мамлакатда илк бора почта хизматини йўлга қўйган. Мамлакатнинг турли ҳудудларига ва хорижий мамлакатларга зарур хат ва хабарларни етказиш мақсадида махсус чопарлар хизмати фаолият кўрсатган.

Замонавий кўринишдаги илк почта идораси 1818 йилда Ганда шаҳрида иш бошланган. Кейинчалик бундай нуқталар Боху, Нахичеван шаҳарларида ҳам очилди.

1918 йилда Озарбайжон Демократик Республикаси тузилгач, Почта ва телеграф вазирлиги ташкил этилади. Ўтган йиллар давомида вазирликнинг



номи ва функциялари бир неча бор ўзгарди. 2004 йилнинг 20 февралда ушбу вазирлик алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги номи билан қайта ташкил этилди.

Алоқа тизими барқарор ривожланмоқда

1997 йилда ташкил топган “Азерипочт” давлат корхонаси телеграф, электрон почта, интернет, шаҳарлараро телефон алоқаси хизмати кўрсатиш хат ва хабарлар, ички ва ташқи почта жўнатмалари юбориш ва қабул қилиш, миллий кўринишдаги конверт ва маркалар, откреткалар чиқариш, тезкор ва оддий пул жўнатмалари, пенсия ва нафақаларни ўз эгаларига етказиб бериш билан шуғулланади.

1992 йилда ташкил этилган “Азтелеком” ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакат аҳолисини маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда сифатли телефон хизматлари билан таъминлаб келаётир.

Бирлашма 57 маҳаллий телекоммуникация тармоғи, халқаро автомат телефон станцияси, 5650 объект ва кабел магистраллари техник бошқармасини ўз ичига олади.

Айни пайтда бирлашма ва унинг корхоналари томонидан аҳолига интернет, ADSL, симсиз алоқа, ООО IP-телефония, ISDN, TOLL Free сингари замонавий алоқа хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бирлашма тизимидаги “Aztelekom.NET” интернет провайдери мамлакат ҳудудида ахборот алмашувини янада яхшилаш мақсадида ташкил этилган. Ушбу провайдер

ADSL, HSDSL сингари замонавий ахборот технологиялари ёрдамида тезкор интернет хизматлари кўрсатиб келмоқда.

Вазирлик тизимида ташкил этилган Маълумот ҳисоблаш марказининг асосий мақсади ахборотларни компютер технологиялари асосида қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказишдан иборат.

Мазкур провайдер ўз мижозларига IP телевидение хизматларини ҳам таклиф этаётир. Дастлаб Сумгаит шаҳрида ташкил этилган IP телекўрсатувлар узатиш хизмати эндиликда бутун мамлакат бўйлаб кенг ёйилмоқда. IP TV Triple Play Multimedia хизмати ёрдамида аҳоли 80дан ортик йўлдош каналлар дастурларидан баҳраманд бўлишмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда бўлганидек, Озарбайжонда ҳам уяли алоқа хизмати кенг ривожланиб бораётир. Мамлакатда “AzerCell”, “BakCell”, “NarMobile” сингари алоқа операторлари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу уяли алоқа компаниялари мамлакат аҳолисининг деярли барча қатламларини ўзида жамлаган.

Озарбайжон мазкур йўналишда халқаро ҳамжамият билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётир. Хусусан, Бутунжаҳон Почта Иттифоқи, Евроосиё Почта иттифоқи, “Интерспутник”, “Интерсел”, “Инмарсат”, “Туррайя” сингари халқаро космик алоқа компаниялари билан яқин ҳамкорлик ўзининг кутилган самараларини бераётир.

Гулу КЕНГЕРЛИ,
Халқаро V “Олтин қалам”
миллий мукофоти соёриндори

XX асрнинг буюк кутубхоначиси Хорхе Луис Борхес: "Мен жаннатни баъзилар каби боғу бўстон ёки мухташам касрга эмас, хамиша кутубхонага ўхшатиб тасаввур киламан", деган эди. Ўтган асрнинг яна бир буюк мутафаккири Алберт Эйнштейн наздида ҳам "Жаннат - улкан кутубхона, аммо у ердан китоб олиб бўлмайди".

Кизиқ, XXI аср кишиси учун ҳам кутубхона жаннатий ҳузур ва фароғат манбаи бўла оладими? Бу саволга бир хил жавоб бериш қийин. Сабаби - янги аср китобхонининг зиё масканига келишдан мақсади ва мўлжаллари ўзгарган. Бугун кутубхонага бадий асарлар қаҳрамонлари билан романтик учрашувлар учун эмас, аниқ бир вазифани бажариш, муайян топшириқни удалаш учун ташриф буюрувчилар кўпчиликини ташкил этади. Шунинг учун ҳам кутубхоналарнинг қиёфаси, улардаги маънавий-психологик муҳит, кутубхоначиларнинг функционал вазифаларида ҳам ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Эндликда кутубхоначи, айниқса, йирик кутубхоналарнинг ходимлари университет малака ва билимга эга мутахассислар бўлиши талаб қилинмоқда.

Ҳаёт оқими узлуксиз. Жамият тараққиёти талаби кун тартибига янгидан янги масалаларни олиб чиқмоқда. Хусусан, жорий "Баркамол авлод йили Давлат дастури"да ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш ва республикада 2010-2015 йилларга мўлжалланган барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхона босқичма-босқич шакллантириш, интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу эса мамлакатда:

- ахборот-кутубхона фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

- ахборот-кутубхона жараёнини компютерлаштириш ва автоматлаштириш;
- интеграциялашган ахборот-кутубхоналар тармоғи учун кадрлар тайёрлаш;

- етакчи хорижий кутубхоналар билан касбий алоқаларни фаоллаштириш ҳамда жаҳон ахборот майдонига кириш орқали амалга ошадиган улкан мақсад эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда бу режани бажаришга киришилди. Жумладан, барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхона босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш Дастури ва Концепциясининг биринчи варианты ишлаб чиқилди.

Ахборот-кутубхона жараёнларини компютерлаштириш ва автоматлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқилган автоматлаштирилган кутубхона тизимига эга бўлишимиз лозим. Қувонарлиси шунки, бу соҳада мутахассисларимиз томонидан муайян ишлар бажарилди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Тошкент давлат маданият институти мутахассислари томонидан яратилган "KARMAT" - корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-

қувватлаш маркази тайёрлаган "KADATA", Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан ишлаб чиқилган "TUIT AKT" дастурлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ахборот-кутубхоначилик соҳаси бўйича О'з DSt 1214 "Ахборот-кутубхоначилик фаолияти, библиография. Терминлар ва таърифлар", О'з DSt 1215 "Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари" каби миллий стандартлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Юқорида таъкидланганидек, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш бу соҳа ходимларининг тайёргарлик даражаси, билим ва малакасига боғлиқ. Айни пайтда Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетида "Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик" соҳасида кадрлар тайёрлаб келинмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкнинг "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" ҳамда "Мактаб кутубхоналарини ривожлантириш" лойиҳаларига биноан мактаб кутубхоналари дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланди, шунингдек, 1000та мактаб кутубхоналари компютер ва ортехникалар билан жиҳозланди, 1200 кутубхоначи компютер саводхонлиги ва ҳозирги замон кутубхоначилик менежменти бўйича қўзғилди.

Яна бир катта лойиҳага кўра, Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат маданият институти ва Англия, Испания, Италия, Латвия, Арманистон, Грузия давлатлари олий ўқув юртлири ҳамкорликда Европа Иттифоқининг "ТЕМПУС" фонди молиявий кўмаги билан "Кутубхоначилик иши ва информатика бўйича янги магистрлик дастури (2009-2011)" устида иш олиб бормоқдалар. Лойиҳадан мақсад Европаниннг етакчи мамлакатларидаги илгор усул ва самарали ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишдир.

Етакчи хорижий кутубхоналар билан ахборот-кутубхоначилик алоқаларини фаоллаштириш ҳамда жаҳон ахборот майдонига кириш йўналишидаги саяёҳаракатлар ҳам самарали йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Эрон, Миср (Искандария ва Қоҳира), Полша, Латвия, Озарбайжон, Украина, Россия (Санкт-Петербург, Москва) миллий кутубхоналари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро битимлар тузилган. Республикаимизнинг 13 та АКМда Emerald электрон ресурсларига кириш ва фойдаланиш бўйича ўқув-маслаҳат марказларини ташкил

- нодир фондларни рақамлаштириш марказини ташкил этиб, муаллифлик ҳуқуқининг сақланиш муддати ўтган энг муҳим асарларни электрон шаклга ўтказиш;

- тадқиқотчиларга қулайлик туғдириш мақсадида диссертациядан эркин фойдаланиш учун уларнинг муаллифлари билан шартномалар тузиш ва диссертацияларнинг электрон нус-

Нурхона

Республика ахборот-кутубхона соҳасида янги талаблар

қилиш юзасидан Республика ахборот-кутубхона марказининг Emerald компанияси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган.

Ҳамкорликнинг аниқ самараларига мисол қилиб, "Библиотечный вестник Украины" журналининг 2010 йил 2-сонини тўлалигича Ўзбекистон кутубхоначилигининг тарихи ва бугунги кунига бағишланганини айтиш мумкин. Материалларни Миллий кутубхона ходимлари тайёрлаган.

Кутубхоналаримизнинг жаҳон ахборот майдонига кириб боришида халқаро кутубхоначилик конференциялари ва семинарлари муҳим рол ўйнамоқда. Жумладан, олтинчи бор ўтказилган "Ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш" халқаро конференцияси ҳамда Илмий-техник ва таълимий ахборотларнинг электрон маълумотлар базалари ва тармоқларини яратиш бўйича етакчи хорижий мутахассислар иштирокида ҳар йили ўтказилган "Электрон кутубхона тармоқларида фан-таълим ахборотларини яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари" мавзудаги тақдимотлар ҳамда семинарлар фикримизга яққол мисол бўлади. Бу талбирларда Буюк Британия, Россия, АҚШ каби хорижий давлатларнинг Springer, ProQuest, Emerald, ИВИС, КОНЭК компаниялари қатнашмоқда.

2010 йили кутубхоначилигимиз тарихида қўлдан кутулган воқеа юз берди: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги, замонавий биноси қурилиши бошланди. Бу, аввало, Миллий кутубхона ходимларига, қолаверса, мамлакатимиздаги барча кутубхона, АКМ ва АРМлар жамоатчилигига муайян масъулият юклайди. Яъни, энди Миллий кутубхона атрофида жипслашиб, унда яратилган техник-технологик имкониятлардан фойдаланган ҳолда ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга эришмоқ лозим. Бу эса Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ривожлантириш стратегик режасига бир қанча қўшимчалар киритишни талаб қилмоқда. Хусусан:

- Миллий кутубхонада корпоратив каталоглаштириш марказини ташкил этиш ва унинг ишини профессионал даражага қўйиш;

- Миллий кутубхонадаги барча қоғоз каталогларнинг тасвирий каталогини, бошқача айтганда "Имидж каталогини" яратиш;

- Миллий кутубхонанинг мавжуд веб-сайти имкониятларини кенгайтириб, уни Ўзбекистоннинг виртуал кутубхонасига айлантириш;

хасини кутубхонаниннг веб-сайтига жойлаштириш;

- "KARMAT" дастурини ривожлантирган ҳолда китобхоналарга масофадан хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйиш;
- нодир китоблар ва қўлёзмаларни таъмирлаш марказини ташкил этиш;
- кутубхоначиларни илгор технологиялар асосида қайта тайёрлаш бўйича курслар очиш;
- турли тоифадаги, жумладан, имконияти чекланган китобхоналар ҳам хизмат кўрсатиш шароитини яратиш;
- кутубхонашунослик, библиографияшунослик ва китобшунослик соҳаларида, шунингдек, ахборот технологияларини кутубхона жараёнларига жорий этишнинг технологик, педагогик ва психологик муаммоларини ўрганидан тадқиқотлар олиб бориш масалаларини ҳал этиш. Бунинг учун тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Олий аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда ихтисосликлар номенклатурасини қайта кўриб чиқиб, ахборот-кутубхона соҳасида номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинадиган бирлашган ихтисослашган кенгашлар тузиш керак.

Шу йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий ўқув юртлирининг моддий-техник базасини яхшилаш юзасидан 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Дастурини тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида" фармойиши чиқди. Унга кўра, олий ўқув юртлирининг таълим жараёнларига электрон ўқув-илмий адабиётларни кўпроқ жорий этиш, ахборот-ресурс базасини мустаҳкамлаш вазифалари қўйилган. Бу эса миллий кутубхона ва республикадаги етакчи кутубхоналар ҳамда олий ўқув юртлирининг АРМларини яратилган корпоратив тармоқни ташкил этишни тақозо этади. Унга мамлакатдаги бошқа АРМлар қўшилса ва бундай корпоратив тармоқ негизда ахборот-кутубхона инфраструктураси яратилса, яхши натижаларга эришиш мумкин.

Хулоса ўрнида шунини таъкидламоқчи эдимки, ахборотни тезкор алмашиш имкониятлари, билим манбаларига жадал этишни қулайликларни кишини мафтун этади, албатта. Шиддатли замоннинг шитобларига ҳамқадам бўлиш ёшу қари учун бирдай ёқимли. Аммо китоб билан дўстлашиб, сирдош бўлиш, ундан беҳишт ифорларини туйиб, жаннатий лаззатга эришиш ҳам улкан саодатдир.

Абдурашул УМАРОВ,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори,
социология фанлари доктори



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жаминг ва давлат ишларини бошқаришда беvosита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадилар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, VIII боб, 32-модда.

OSIYO O'YINLARIDA

Совриндорларимиз кўпаймоқда

Гуанчжоуда давом этаётган XVI Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси хисобидagi медаллар сони кўпаймоқда.

25 ноябр кунги эшкакчилар баҳсида уч маротаба Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, ватанимиз малҳияси янгради. Икки карра Жаҳон чемпиони Вадим Менков бир кишилик каноэда 1000 метрга эшкак эшишда марра чизигига биринчи бўлиб етиб келди. Қолган икки олтин медал 1000 метрга каноэчилар жуфтлиги ва тўрт кишилик байдаркада эшкак эшишда қўлга киритилди.

Аёллар терма жамоаси эса 500 метрга тўрт кишилик байдаркада эшкак эшишда кумуш медал билан тақдирланди.

Енгил атлетиканинг еттикураш баҳсларида юртдошимиз Юлия Тарасова қитъада энг кучли эканлигини исботлади. Бу борада спортчилар енгил атлетиканинг еттига тури бўйича беллашди ва ғолиб умумий очколар натижасига кўра аниқланди. Икки кун давом этган баҳсларда ўзбекистонлик енгил атлетикачи 100 метрга тўсиқлар оша югуриш, ядро улоқтириш, 200 метрга югуриш ва узунликка сакрашда энг яхши кўрсаткич билан биринчи, баландликка сакрашда иккинчи, найза улоқтиришда учинчи, 800 метрга югуришда олтинчи ўринни эгаллади. Беллашуларда жами 5783 очко жамғариб, рақибларини катта фарқ билан ортада қолдирган Юлия Тарасова Осиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Юлия Тарасова енгил атлетиканинг узунликка сакраш тури бўйича ўтказилган мусобақада ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Моҳир спортчимиз 6 метру 49 сантиметр узунликка сакраб, терма жамоамиз ҳисобига бронза медални ҳам қўшиб қўйди.



Эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров 55 килограмм вазн тоифасида ўтказилган курашларда яманлик Башир Ал-Яманий, эронлик Ҳасан Раҳимий ва жанубий корейлик Хёсуб Кимни бир хил — 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўланма олди. Ҳал қилувчи учрашувда КХДР вакили Ил Кён Янгга қарши гиламга чиққан ҳамюрти-



миз рақиб устидан 3:1 ҳисобида зафар кучди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Осиёнинг етакчи енгил атлетикачиларидан бири — Гўзал Хуббисва юз метрга югуриш беллашуларида 11,34 сония натижа кўрсатиб, кумуш медални қўлга киритди. Лангарчўпга таяниб баландликка сакраш баҳсларида Леонид Андреев 5,30 метр нати-



жа билан шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

“Гуанчжоу-2010” дастурига киритилган теннис мусобақаларида спортчиларимиз яна иккита кумуш медалга сазовор бўлди. Жамоавий беллашуларда иккинчи ўринни эгаллаган Денис Истомин яқкаликнинг ҳал қилувчи беллашувида ҳиндистонлик Сомдев Девварманга 1:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйиб кумуш медал билан чекланди.

Хотин-қизларнинг яқкалик беллашуларида финалгача чиқиб борган Оқтул Омонмуродова финалда мезбонлар вакиласи Шуай Пенгдан 6:7, 2:6 ҳисобида енгил кумуш медал билан қифояланди.

Авалги Осиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритган таеквондо устаси Евгения Каримова бу гал шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Трампонининг батутда сакраш баҳсларида қатнашган Пекин Олимпиадаси совриндори Екатерина Хилко яқкалик беллашуларида 39,50 балл билан Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Юнон-рум кураши бўйича 96 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Давид Солдадзе тўрт беллашувдан учтасини ўз фойдасига ҳал қилиб, бронза медални қўлга киритди.

Гуанчжоуда давом этаётган Осиё ўйинларининг бокс беллашуларида 60 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан ҳамюртимиз Хуршид Тожибоев мусобақа давомида Шарқий Тимор, Камбоджа, Эрон боксчиларини мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқди. Финал йўланмаси учун ўтказилган баҳсда ҳиндистонлик Кришан Викаста ютқазган 21 ёшли боксчимиз Осиё ўйинларининг бронза медали билан тақдирланди.

Спортчиларимиз шахмат, бокс, карате, енгил атлетика, эркин кураш каби йўналишларда ҳали медалларга даъвогарлик қилишяпти.

Осиё ўйинлари тугашига уч кун қолганда спортчиларимиз ҳисобида 8 олтин, 14 кумуш, 19 бронза, жами 41 медал бор.



Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси бош директори Шомансур Абидходжаевга акиси **Фарҳод АБИДХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдирди.

“Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” давлат унитар корхонаси жамоаси бош директор Шомансур Абидходжаевга акиси **Фарҳод АБИДХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

“Электромагнит мослашув маркази” ДУК жамоаси Жиззах вилояти электрмагнит мослашув хизмати бошлиғи Юсуф Жабборовга онаси **Жўпарой ЖАББОРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“BUKHARA NETSUSTEM” масъулияти чекланган жамиятининг (Бухоро ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 00011759 рақамли;

“ALEKSANDRIT-IZ” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002456 рақамли;

“ТЕРМИЗ ИНТЕРНЕТ СЕРВИС” хусусий корхонасининг (Сурхондарё вилояти) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001385 рақамли;

“INTER MEDIA ART-AND” хусусий корхонасининг (Андижон вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002030 рақамли;

“KAMALAK-TV” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастулар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0003095 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 22 ноябрдан тугатилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан “Бахтиёр-Шохбоз” ишлаб чиқариш фирмасига кабелли телевидение фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лицензия шартнома талабларига риоя қилиш юзасидан 2010 йил 3 майда 16-8/1800-сон кўрсатма берилишига қарамастан, ишлаб чиқариш фирмаси томонидан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддаси ҳамда лицензия келишувининг 4.9 ва 6.2-бандлари талаблари қўпол равишда бузилиши сабабли “Бахтиёр-Шохбоз” ишлаб чиқариш фирмасининг (Жиззах вилояти) телдастулар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001752 рақамли лицензияси кабелли телевидение бўйича қисмининг амал қилиши 2010 йил 23 ноябрдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилади.



Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан катти назар, қонун олдида тенгдирлар.
Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, V боб, 18-модда.

Феълнинг яхши қили



Узоқ йиллар мактабда дарс бериб, пенсияга чиққанамга ҳам анча бўлди. Илгари фарзандларим тарбияси учун ўзимни масъул билган бўлсам, ҳозир невараларимнинг яхши ўқишлари, тўғри йўлдан адашмасликлари учун елиб-югуряпман.

Тўғриси, фарзандларим олий-гоҳларда ўқиб юрган пайтларида уларга энг яқин дўст китоб эди. Дунё янгиликлари ёки юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни матбуот нашрларидан ёки телевизор орқали билиб олишарди. Ҳозир-чи! Энди деярли ҳар бир хонадонда компьютер, интернет. Ўсмирларимиз ҳатто компьютер орқали имтиҳон топшириб, чет эллардаги нуфузли олий ўқув юрларининг талабалари бўлишмоқда. Бу яхши, албатта.

Лекин масаланинг биз жиддий эътибор қаратишимиз керак бўлган муҳим жиҳати ҳам борки, у ҳам бўлса ёшлар тарбиясидир. Юртимизда яратилиб берилаётган шароит тўғрисида аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Бугун коллеж ва олий ўқув юрларида ўқиётган талабалар устозларидан ортиқ кийинса кийинадиларки, асло кам эмас. Лекин мана шу тўқинлик айрим ёшларда кибр тўйғусини ўйғотмоқда ва бу яхши натижага олиб келмаслиги қундай равшан.

Бир куни неварам дугоналарини уйга олиб келишга рухсат сўради. Бирга дарс тайёрлашмоқчи экан. Мен бажонидил рози бўлдим.

Улар дарсларини тайёрлаб бўлишиб, чой устида бироз суҳбатлашишди. Уларнинг гапларига беихтиёр эътибор бера бошладим. Гапдан гап чиқиб, бир дугоналари ҳақида сўз кетди. Қизлар унинг хунуқлиги ҳақида гапиришар, беўхшовлигидан очиқчасига кулишарди.

— Кечирасизлар, суҳбатингизга қўшилсам майлими? — дедим чидай олмай.

Улар ялт этиб менга қарашди. Мен уларга ҳусн инсонга вақтинча берилиши, ҳар ким чиройи, шаклу шамойили билан эмас, балки феъл-атвори, меҳру оқибати билан ҳурмат қозониши ҳақида гапириб, қуйидаги ҳикояни айтиб бердим.

Низомулмулкнинг “Саёҳатнома” асарига ёзилишича, Султон Маҳмуд Ҳазратнинг қиёфаси хунуқ, юзи қаҳрабо рангида, бўйини озгин ва узун, бурни чўзиқ ва ўзи кўса эди. Отаси Собуктегин омадан ўтганидан кейин подшоҳлик тахтига у ўтиради ва бутун Ҳиндистон ҳукмдорига айланади. Бир куни у бомдод пайти ойнага узоқ тикилиб қолади ва хомушланади. Шу пайт вазир Шамс ул-Кифот Аҳмад Ҳасан саломга кирди. Ҳукмдор унга ўтириб туриш, ишорасини қилади. Вазир ўтиради. Маҳмуд намозини ўқиб бўлгач, жомаси ва этигини кийиб, ойна олдига келади ва дейди:

— Биласанми, кўнглимдан нима ўтди?

Вазир:

— Шоҳим яхшироқ билади, — дея мулозамат қилади. Шунда шоҳ хўрсиниб шундай дейди:

— Одамлар мени ёмон кўришарди деб кўрқаман. Чунки чиройли эмасман. Одатда улар гўзал юзли

ҳукмдорларни яхши кўришарди. Уларга ёқиб учун нима қилсам экан-а?

Вазир дейди:

— Шоҳим, сиз олтинни ўзингизга душман билинг. Шунда одамлар сизни ўзларига дўст тутадилар.

Султон Маҳмуд вазирнинг сўзларидан мамнун бўлиб, хайру саховат эшигини очди. Одамлар уни яхши кўриб, мақтай бошлайдилар. Шу тариқа шоҳга буюк ишлар ва катта хазиналар эшиги очилади. Яхшилик билан Суманотни, Ирокни қўлга киритади. Бир куни у вазирга миннатдорчилик билдирган ҳолда шундай дейди:

— Мен олтин-кумушдан қўл тортидим, одамлар меҳрига, ишончига сазовор бўлдим. Мен бундан бахтиёрман.

Бу ҳикоямдан сўнг қизлар жим бўлиб қолишди. Озроқ сукунатдан сўнг уларнинг бири деди:

— Холажон, гапингизга қўшиламан. Ўша дугонамиз жуда яхши ўқийди. Ҳаммага ёрдам беради. Домларимиз ҳам уни ҳурмат қилишарди. Биз хато фикрга борган эканмиз. Энди у ҳақида ноҳўя гапларни гапирмаймиз.

Унинг фикрини бошқалар ҳам тасдиқлашди. Мен эса уларга тўғри йўлни кўрсата олганимдан мамнун бўлдим.

Дилором РАҲИМОВА

HIKMATLAR SANDIG'I

Ортиб қолган сўз

Бир киши Ҳасан Басрий ҳазратларининг олдидан келиб: “Фалончи сиз ҳақингизда фалондай, пистондай номаъқул гапларни гапирди”, деди.

- Қачон?
- Бугун.
- Қарда?
- Уйда.
- Унинг уйига нима учун борган эдинг?
- Зиёфатга.
- Зиёфатда нималар эдинг?
- Ҳалиги киши саккиз хил таомнинг номини санай кетди.
- Шунда Ҳасан Басрий:
- Ўша одамнинг саккиз хил таоми ичинга сиеди-ю, бир оғиз сўзи сизгами? Тур, кет бу ердан. Иккинчи менинг олдимга гап ташиб келма, деди ва гийбатчини даргоҳидан қувиб чиқди.

Фойдали маслаҳатлар

● Ёпган шарбатингиз устидаги мевалар қорайиб қолган бўлса, банкани очиб, қорайган мевани олиб ташлаб, қолганини стериллаб, яна беркитинг.

● Агар шарбат юзасига мевалар қалқиб чиққан бўлса, уни дарҳол стериллаш лозим.

● Консерваланган банкларни ертўлага қўйишдан аввал, уларга яхшилаб қаранг. Банкларингиз бироз хиралашса ёки устида кўпик ҳосил бўлса, уларни қайтадан беркитинг.

● Олча, қорағатдан ёпган шарбатингиз вақт ўтиши билан сиёҳранг тусга кирди. Лекин яна бир сир борки, уларни беркитишда лакланган қопқоқлардан фойдаланинг. Шунда унинг хусусияти йўқолмайди.

Xanga

Немис амалдори дўстга шикоят қилди:
— Бизда почта яхши ишламайди.
— Нега ундай дейсан?
— Чунки бир ҳафтадан буён сенга ёзган хатим столим устида турибди-да.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусалом КҲИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИДИНОВ (Ҳайфат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Содиқжон ҚОСИМОВ, Абдуқани АБДУРАҲИМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлема ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❌

Реклама матнларининг тўғриликлиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Усмоножон ЙҲДДОШЕВ.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1002 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10166 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Видеот муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусла 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчда 226-37-16

Фарғонада 226-87-71

Қаршида 314-08-99